

ИРОҚДА ШИАЛИКНИНГ ЁЙИЛИШИ ВА УНИНГ ДАВЛАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИГА КИРИБ КЕЛИШИ

Азимов К.С.

тарих фанлари номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ироқда шиаликнинг XVI асрдан XXI асргача бўлган тарқалиш тарихи таҳлил қилинади. Сафавий–Усманий рақобати, уламолар муҳожирати, Карбало ва Нажафнинг диний марказ сифатида шаклланиши, XIX аср ер ислохотлари ва қабилавий жамият трансформацияси жараёнлари ёритилади. Шунингдек, шиаларнинг XX асрда сиёсий жиҳатдан чекланиши ва 2003 йилдан кейин давлат ҳокимиятида етакчи кучга айланиши тарихий хронология асосида кўрсатилади.

Калим сўзлар: *Ироқ, шиалик, Нажаф, Карбало, сиёсий ҳокимият*

ABSTRACT

This article analyzes the historical spread of Shiism in Iraq from the sixteenth to the twenty-first century. It examines the Safavid–Ottoman rivalry, the migration of Shiite scholars, the rise of Karbala and Najaf as religious centers, nineteenth-century land reforms, and the transformation of tribal society. The study also highlights the political marginalization of Shiites in the twentieth century and their rise to power after 2003, presenting the process within a clear historical chronology.

Keywords: *Iraq, Shiism, Najaf, Karbala, political power*

КИРИШ

Маълумки, сўнгги ўн йилликларда Ироқда сунний–шиа қарама-қаршилигини гувоҳи бўлмоқдамиз, гарчи ҳозирда Ироқ тинч ривожланиш йўлига кириб бораётган бўлса-да, амалда ҳамон сунний-шиа қарама-қаршилиги тўлиқ бартараф қилинган эмас. Бу қарама-қаршиликни англаш учун, аввало, шиаликнинг бу ҳудудда қандай тарихий, ижтимоий ва сиёсий омиллар таъсирида шаклланиши ва мустақамланганини таҳлил қилиш зарур. Чунки бу зиддият бир асрлик эмас, балки камида беш асрлик геосиёсий рақобат, қабилавий ўзгаришлар ва давлат сиёсати натижасидир. XX–XXI асрларда Ироқда шиаларнинг сиёсий ҳокимиятга келиши ана шу узоқ тарихий жараённинг мантикий давоми ҳисобланади.

XVI–XVIII асрлар шароитидаги шиалик

Ироқда шиаликнинг институционал кучайиши 1501 йилдан бошланади. Шу йили Сафавийлар сулоласи Эронда шиаликни давлатнинг бош мафкўраси ва эътиқод қоидалари сифатида эълон қилди. Бу қарор Яқин Шарқда мазҳабий-сиёсий мувозанатни ўзгартирди. Бунга жавобан Усманийлар империяси суннийликни давлат таянчи сифатида мустаҳкамлади.

Ироқ икки йирик давлат ўртасидаги стратегик ҳудудга айланди. 1508–1588 ва 1622–1638 йилларда сафавийлар Ироқни эгаллади; 1533 йилдан эса Бағдод усмонийлар қўлига ўтди. Бир неча аср давом этган бу рақобат натижасида Ироқ аҳолиси орасида шиалик ғоялари кенг тарқалди. Эронлик уламолар, савдогарлар ва зиёратчилар орқали маданий-диний алоқалар мустаҳкамланди.

1722 йилда Исфаҳон босиб олинган, кўплаб шиа уламолари Ироққа кўчиб ўтди. Натижада Карбало ва Нажаф нафақат зиёратгоҳ, балки ислом илм-фани марказларига айланди. Нажафда имом Али мақбарасининг жойлашгани бу шаҳарни бутун шиалар учун муқаддас марказга айлантди. Шу даврдан бошлаб Ироқ шиалиги муайян мустақил интеллектуал мактаб сифатида шакллана бошлади.

XIX аср: қабилавий жамият трансформацияси ва оммавий шиалашув

XIX асрда Ироқдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шиаликнинг оммавийлашувида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Уларни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ваҳҳобийлар ҳужуми (1802): 1802 йил 20 апрелда ваҳҳобийлар Карбалога ҳужум қилиб, имом Хусайн мақбарасини вайрон қилди. Минглаб аҳоли ҳалок бўлди. Бу воқеа шиаларнинг мазҳабий ўзини англашини кучайтирди ва Карбало ҳамда Нажафнинг рамзий аҳамиятини оширди.

2. Экологик ва демографик ўзгаришлар: Фрот дарёсининг саёзлашиши ва ирригация тизимларининг издан чиқиши кўплаб қабилаларнинг кўчиб ўтишига сабаб бўлди. Улар Нажаф ва Карбало атрофида жойлашиб, шиа муҳити таъсирига тушдилар.

3. Усманий ер ислохоти (1858): Ерларни хусусийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш сиёсати қабилавий мулкчилик тизимини издан чиқарди. Кўчманчилар ўтроқ ҳаётга ўтди, ижтимоий табақаланиш кучайди. Шиалик адолат ва маънавий таянч ғояси сифатида қабул қилинди. Айниқса жануб ва марказдаги ўтроқлашган қабилалар оммавий равишда шиаликни қабул қилди.

XX аср боши: диний элитанинг фаоллашуви

Европа мустамлакачилиги хавфи кучайиши, Усманийлар ва Эронда конституцион ҳаракатлар ривожланиши ироқлик уламоларни сиёсий назария

ишлаб чиқишга ундади. Шиа мужтахидлари давлат ислом ҳуқуқи асосида қурилиши лозимлиги, уламолар давлат бошқарувида иштирок этиши кераклиги ҳақида ғоя илгари сурдилар. Бу шиаликни фақат диний эмас, балки сиёсий ҳаракатга айлантирди. 1921 йилда Ироқ монархияси ташкил этилди. Кейинги республика даврида ҳам сиёсий элита асосан сунна араблардан иборат бўлди. Шиалар демографик кўпчилик бўлса-да, давлат бошқарувида чекланган иштирок этди. Айниқса Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги даврида шиаларга нисбатан қаттиқ назорат ва таъқиб сиёсати олиб борилди. Диний марказлар фаолияти чекланди, сиёсий оппозиция бостирилди.

2003 йилдан кейин: сиёсий куч сифатида шиалар

2003 йилда Саддам режими ағдарилгандан сўнг, мамлакатда янги сиёсий тизим шаклланди. Демографик кўпчилик сифатида шиалар парламент ва ҳукуматда асосий сиёсий кучга айланди. Шу тариқа, XVI асрда бошланган мазҳабий таъсир, XIX асрдаги ижтимоий трансформация ва XX асрдаги сиёсий фаоллашув жараёнлари XXI асрда сиёсий ҳокимият шаклида намоён бўлди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ироқда шиаликнинг тарқалиши қуйидаги босқичлар орқали кечди:

Сафавий–Усманий геосиёсий рақобати; уламолар муҳожирати ва муқаддас шаҳарлар марказлашуви; қабилавий тузумнинг емирилиши ва ўтrockлашув; ижтимоий адолат ғояси орқали мазҳабий бирлашув; диний элитанинг сиёсийлашуви; сунна ҳукмронлиги давридаги чекланиш; 2003 йилдан кейин сиёсий устунликка чиқиш.

Шиалик Ироқда фақат диний мазҳаб эмас, балки тарихий, ижтимоий ва сиёсий омиллар уйғунлигида шаклланган мураккаб цивилизацион феномендир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Abdulghani J. M. *Iraq and Iran: The Years of Crisis*. – London: Croom Helm, 2001. – 278 p.
2. Aliyev A. A. *Ideologiya «musul'manskogo natsionalizma»*. – M.: Vostochnaya literatura, 2008. – 86 s.
3. Doroshenko E. A. *Shiitskoe dukhovenstvo v dvukh revolyutsiyakh: 1905–1911 i 1978–1979*. – M.: Nauka, 1998. – 183 s.
4. Doroshenko E. A. *Shiitskoe dukhovenstvo v sovremennom Irane*. – 2-e izd. – M.: Nauka, 1985. – 59 s.

5. Islam i problemy natsionalizma v stranakh Blizhnego i Srednego Vostoka: sb. statey. – M.: Nauka, 1986. – 89 s.
6. Khadduri M. *The Gulf War: The Origins and Implications of the Iraq-Iran Conflict*. – Oxford: Oxford University Press, 1988. – 207 p.
7. Marr P. *The Modern History of Iraq*. – London: Longman, 1985. – 154 p.
8. Shi'ism and Social Protest / ed. by J. Cole, N. Keddie. – London: Yale University Press, 1986. – 247 p.